



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуллари жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш соҳаларида ислохотларнинг аниқ манзиллигини таъминлаш, соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Қуйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепциясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш “йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепцияни 2024-2025 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланади.

2. Белгилансинки, Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан, қуйдагиларни назарда тутди:

а) сейсмология йўналиши доирасида:

зилзилаларнинг вужудга келиш механизми ва табиатининг ҳамда зилзила дарақчиларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлишини тақдир қилиш механизминини такомиллаштириш;

ҳудудларни макросейсмик балларда ва муҳандислик кўрсаткичларда сейсмик микроҳудудлаштириш бўйича онлайн-хариталарни ишлаб чиқиш;

турли даражадаги тектоник ер ёриқларининг ўрта масштабдаги харитасини яратиш ва уларнинг сейсмик потенциални баҳолаш;

б) бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

якка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

бино ва иншоотлар ҳамда сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

в) сейсмологик кузатувлар тармоғини такомиллаштириш йўналиши доирасида:

автоматлаштирилган комплекс-прогностик станцияларни қўлайтириш ҳисобида республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш;

миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш;

г) сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши доирасида: сейсмология соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш фаолиятини тартибга солиш;

республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.

3. Қуйдагилар:

Концепция ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклатилсин;

Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) давлат органлари томонидан Концепция ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фермер ҳўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаддорлигини ошириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдан ортиқ харид қилишдан воз кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йил ҳосилидан сўғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 2,5 тоннадан жами 2 550 минг тонна буғдойнинг:

1 783,5 минг тоннасини товар буғдой давлат ресурси сифатида ҳамда 266,5 минг тоннасини уруғлик учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш; 500 минг тоннасини фермер ҳўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар (кейинги ўринларда — буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги

таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил ҳосили учун:

а) “Ўздонмахсулот” АҚ тизимидаги корхоналар товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, хариддорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади;

б) давлат ресурсларига харид қилинган товар буғдой учун тўловлар буғдой етиштирувчиларга тижорат вакили томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйдаги bosқичларда амалда оширилади:

дастлабки bosқичда — Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган нархларда;

кейинги bosқичда — биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, буғдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади;

в) буғдой етиштирувчилардан тижорат вакилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган товар буғдой 2022 йилнинг июль-август ойларида биржа савдолари орқали сотиладди. Бунда:

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали уларни рақамлаштириш, бунинг натижасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада кучайтириш ва бир қатор соҳалар вакиллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар амалга оширилишининг тизимлиги ва изчиллигини таъминлаш, бунинг доирасида адвокатура фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни янги bosқичга олиб чиқиш зарурати мавжуд.

Адвокатура фаолиятида ортиқча сансалорлик, бюрократия ҳамда қозғозбозликка чек қўйиш, унинг фаолиятида судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Қуйдагилар адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва инсон омиллини бартараф этиш орқали адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш;

адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини самарали йўлга қўйиш;

адвокатлар томонидан махсус ахборот дастури орқали жисмоний ва юридик шахсларга онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш;

адвокатура фаолияти учун зарур ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотларни шакллантириш ҳамда уларда сақланадиган маълумотларнинг комплекс ҳимоя қилиниши ва махфийлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг Бузатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонлиқўл, Мўйноқ, Нукус, Тахиятош, Тахтақўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманларида (кейинги ўринларда — шимолӣ туманлар) мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳамда қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2027 йил 1 январга қадар шимолӣ туманларда жойлашган бўш турган давлат қўчмас мулк объектларини сотишнинг истисно тариқасида қуйдагиларни назарда тутувчи тартибининг жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аукцион савдоларида сотилган нарихдан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини 7 йил муддатда бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

аукцион савдоларида сотилган давлат қўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар 3 ой ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда чегирмалар бериш;

жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ва шахрсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционда сотиб олиш қийматини 5 йил давомида бўлиб тўлаш имкониятини яратиш;

туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган биноларни хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига танлов орқали бериш ва бинони туман ҳокимлиги балансида қолдириш, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳоланган қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобида беш йил давомида тўлаш шарти билан тақдим этилган биноларни хусусийлаштириш имконини бериш.

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭРКИНЛАШАЁТГАН ҒАЛЛА БОЗОРИ

мўл ҳосил, барқарорлик ва фаровонлик кафолати



Ғаллакор ерга уруғ қадаб, уни етиштиргунча озмунча меҳнат қилмайди. Дон униб чиқиб, ҳосилни йиғиб олгунча неча тунларни тонгга улайди. Экинни ҳар хил об-ҳаво шароитида сўғоради, зараркунандалардан асрайди, ҳосил мўл бўлсин, дея ўз вақтида агротадбирларни олиб боради. Ниҳоят фермер пишиб етилган ғалла ҳосилидан даромад қўраман деганида, давлатга бозор нархидан икки баробар арзонга сотишига тўғри келарди.

Давоми 4-бетда

ТАНЛОВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚЎЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД ЭТАМИЗ! Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида шу шиор остида ўтказилган республика эсселар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган мазкур танловнинг видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тантанали тақдирлаш маросимида марказий студиядан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Нодир Холбўтаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, танловнинг республика bosқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритган 42 нафар талаба, уларнинг устозлари ва ота-оналари қатнашди. Ҳудудий студиялардан жойлардаги касаба уюшмалари ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда танловнинг қўйи bosқичида иштирок этган талабалар ҳам тантанали тадбирни кузатиб борди.

Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛА МУРОДОВА



Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги огир жудоликка учради.

Машхўр фермер, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “Нурли обод” фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таникли жамоат арбоби Лола Муродова огир касалликдан сўнг шу йил 30 май куни 64 ёшида вафот этди.

Бутун мамлакатимизнинг гурур ва ифтихори бўлган Лолахон Муродова 1958 йил 9 мартда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги “Нуробод” жамоа ҳўжалигида механизатор сифатида бошлади, ўз ҳаётини мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ ҳўжалиги билан боғлади.

Ёшлик йилларидан бошлаб деҳқончилик илмини пухта ўрганган Л.Муродова жамоа ҳўжалигида бош пудратчи, бўлим бошлиғи, ҳўжалик раиси каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилиб, ишни ташкил этиш, мўл ҳосил етиштириш, ҳўжаликни самарали бошқариш соҳасида катта тажриба орттирди.

Фермерлик ҳаракатиға кенг йўл очилиши билан мохир ва миришқор деҳқон мамлакатимизда биринчилардан бўлиб “Нурли обод” фермер ҳўжалиғига асос солди ҳамда ернинг ҳақиқий эгаси сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва уни янги босқичға кўтаришға катта ҳисса қўшди.

Ўз фаолиятида доимо ангилликка интилиб, эзгу ташаббуслари билан барча фермерларға, айниқса, ёшларға ибрат бўлиб яшаган Л.Муродова Янги Ўзбекистон шароитида алоҳида жонбозлик ва ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлади. Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида илғор агротехнологияларни, бошқарувнинг замонавий усулларини ва самарали воситаларини қўллаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш фермерлар

Ш. МИРЗІЕЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Ш. ҒАНИЕВ, Х. БОЗОРОВ, А. ҲАЙИТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш, талабгор томонидан малака имтиҳонини топширишининг амалдаги тартиби сақланган ҳолда, “Лицензия” ахборот тизими орқали амалға оширилади ва расмийлаштириб борилади.

Бунда:

талабгорнинг малака имтиҳонини муваффақиятли топширганлиги ҳақидаги қарор ва тегишли ҳужжатлар “Лицензия” ахборот тизими орқали расмийлаштирилади ва адвокатларнинг электрон реестриға киритилади;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорға адвокатлик лицензиясини олиш учун тегишли адлия органиға мурожаат қилмасдан исталган вақтда “Лицензия” ахборот тизими орқали олиш имконияти яратилади;

лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ҳолатлар “Лицензия” ахборот тизимида автоматик равишда қайд этиб борилади;

б) адвокатлик тузилмаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “ягона дарча” тамойили асосида фақат электрон тарзда амалға оширилади.

Бунда:

адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобға олиш), қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш (ҳисобдан чиқариш) учун зарур ҳужжатлар электрон тарзда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталиға киритилади;

адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларини адлия органининг муҳри билан тасдиқлаш, “рўйхатдан ўтказилган” белгисини қўйиш амалиёти бекор қилиниб, уларға электрон QR-код ва идентификация рақамларини бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаси номини рўйхатдан ўтказишда бир хил ёки ўхшаш номларнинг йўқлиғи тўғрисидаги маълумот онлайн тарзда олинади;

в) адвокатлик фаолиятини бошлашда малака имтиҳонини топшириш, адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича композит хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Бунда:

малака имтиҳонини топшириш учун тегишли ҳужжатларнинг қοғоз шаклини талабгордан олиш тартиби бекор қилинади ва уларни электрон тарзда юбориш амалиёти йўлга қўйилади;

адвокат мақомиға эға бўлишға талабгорнинг белгиланган талабларға мослиғини текширган ҳолда имтиҳон вақти ва жойи ҳақида электрон хабар бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик гувоҳномасини махсус QR-код қўйилган ҳолда бериш тартиби жорий этилиб, бу орқали адвокатнинг мақоми ҳақида маълумот олиш имконияти яратилади.

Адлия вазирлиғи (Р. Давлетов) уч ой муддатда: адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг (ҳисобға олишнинг) амалдаги тартибини қайта кўриб чиқсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи (Ш.Шерматов) билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган тартибни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасиға киритиш ҳамда зарур

бўлган ташкилий-техник тадбирларни бажариш чораларини кўрсин.

3. Адлия вазирлиғининг 2023 йил 1 январдан фуқароларға юридик ёрдам кўрсатиш жараёнини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи “Юридик ёрдам” ахборот тизимини ишға тушириш тўғрисидаги таклифға розилик берилсин.

Белгилансинки, “Юридик ёрдам” ахборот тизими доирасида:

адвокатлар электрон реестри ва адвокатларнинг шахсий электрон кабинети шакллантирилади;

адвокатнинг шахсий электрон кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишиға асосан масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имконияти яратилади;

адвокатура, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилади (бундан қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни ташкил этувчи ахборотлар мустасно);

терговға қадар текширувни амалға оширувчи органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан терговға қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида адвокатға электрон хабар бериш имконияти яратилади;

адвокат сўровини электрон юбориш ва адвокат сўрови асосида юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлари электрон шаклда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилади;

адвокатнинг ўз аризасиға кўра адвокатлик мақоми тўхтатиб туриш электрон тарзда адвокат томонидан хабарнома бериш шаклида амалға оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 февралдан бошлаб:

а) адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатларға муайян ишни олиб бориш учун бериладиган анъанавий шаклдаги ордер (кейинги ўринларда — ордер) мақомиға тенг бўлган махсус QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”ни бериш амалиёти йўлга қўйилади;

Бунда:

адвокатлик тузилмаси томонидан ишонч билдирувчи шахс билан тузилган барча шартномаларнинг фақат реқвизитлари (шартнома рақами ва унинг тузилган санаси) тўғридан-тўғри “Юридик ёрдам” ахборот тизимиға киритилади ва бу QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”ни олиш учун асос бўлади;

адвокат сўрови юборилган давлат органи ёки ташкилот, тегишли ишни кўриб чиқаётган суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан адвокатнинг муайян ишға ваколатлиғини аниқлаш муқобил равишда QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери” орқали ҳам амалға оширилиши имконияти яратилади;

б) ордер муқобиллик асосида қοғоз шаклда расмийлаштирилганида, ушбу ордер ҳақидаги

маълумотни “Юридик ёрдам” ахборот тизимиға киритиш мажбурий ҳисобланади;

в) адвокат сўрови шаклиға қўйилган талаблар, шу жумладан, унга ордernинг кўчирма нусхасини илова қилиш, ордernи қайд этиш дафтарини юритиш талаблари бекор қилинади.

5. Белгилаб қўйилсинки, “Юридик ёрдам” ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан:

давлат ҳисобидан адвокатларни ишға жалб этиш инсон омилисиз, электрон тартибда тасодифий танлаш йўли билан аниқланади;

адвокатларнинг онлайн малака оширишини ташкил этиш ва малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни электрон шаклда бериш тартиби жорий этилади;

адвокатлик тузилмаларидан статистик маълумотларни анъанавий шаклда йиғиш бекор қилиниб, статистик маълумотлар автоматик равишда умумлаштирилади.

Адлия вазирлиғи (Р.Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2023 йил 1 январға қадар “Юридик ёрдам” ахборот тизими фаолияти тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тасдиқланишини, мазкур тизимнинг ишға туширилишини, шунингдек, унинг махсус мобиль иловаси яратилишини таъминласин.

Адлия вазирлиғи “Юридик ёрдам” ахборот тизимининг бошқа ахборот-коммуникация тизимлари билан интеграция қилиниши, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиғи таъминланиши ҳамда адвокатлик сирни ошқор этилмаслиғини таъминлаш учун масъул давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

6. “Юридик ёрдам” ахборот тизимини ишға тушириш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Адлия вазирлиғи Адвокатлар палатаси билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар “Юридик ёрдам” ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан адвокатларнинг касбий тайёргарлиғи ва малака ошириш дастурларига адвокатларнинг рақамли саводхонлиғини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиғи бўйича ўқитиш масалаларини киритиш чораларини кўрсин.

8. Адлия вазирлиғи манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгантириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасиға таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишға масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазир Р.Қ. Давлетов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасиға юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗІЕЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШNING ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Шимолий туманларда 2025 йил 1 январға қадар эксперимент тариқасида қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштиришға мўлжалланган ер майдонларини инвесторларға “E-AUKSION” электрон савдо платформасида очик электрон танлов асосида 30 йилға қишлоқ ҳўжалиғи фаолиятини юритиш учун ижараға беришнинг қуйдагиларни назарда тутувчи тартиби жорий этилсин:

а) ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўловнинг энг кўп миқдорини тақлиф этган талабгор устуворликка эға бўлиб, қолган мезонлар бўйича балл бериш тартиби қўлланилмайди;

б) очик электрон танлов ғолиби ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўловни энг кўп миқдорининг 50 фоизини тўлаган даврдан бошлаб, ушбу ер майдонларига ижара ҳуқуқини учинчи шахсға сотиши ва ушбу ҳуқуқни тижорат банкидан кредит олиш учун гаровға қўйиши мумкин;

в) шимолий туманлардан рўйхатдан ўтиб, мазкур ер майдонларида фаолият юритадиган қишлоқ ҳўжалиғига ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига (бундан кластерлар мустасно) ушбу фаолиятдан олиннадиган даромади бўйича айланмадан олиннадиган солиқ, шунингдек, мазкур туманлардаги қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулоти етиштириш ва сақлаш мақсидида фойдаланиладиган ер участкалари ва мол-мулки бўйича юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкиға солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизға камайтирилади;

г) қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи талабномаларига мувофиқ фойдаланишдан чиққан суғо-

риладиган ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларда ер тузиш, бузилган ерларни рекултивация қилиш юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи ерларининг автоматлаштирилган ер-ахборот тизимини яратиш ва янгилаб бориш ишларига Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади;

д) қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишға кириш ҳамда заруратға кўра суғориш тик қудўғини бурғилаш ёки насос станциясини куриш ва ишға тушириш бўйича харажатларнинг бир қисми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тузилган инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида бир марта қўллаб берилади.

Молия вазирлиғи Сув ҳўжалиғи вазирлиғи ва Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланилмаётган ер майдонларини фойдаланишға киритишда заруратға кўра суғориш тик қудўғини бурғилаш ёки насос станциясини куриш ва ишға тушириш бўйича харажатларнинг бир қисмини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасиға киритсин;

е) қишлоқ ҳўжалиғи ерларини фойдаланишға киритган ердан фойдаланувчиларға қишлоқ ҳўжалиғи экинларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқи берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи, Сув ҳўжалиғи вазирлиғи, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи ва Кадастр агентлиғи 2022-2023 йилларда ҳар бир шимолий туман қесимида камда 1 000 гектар қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланишдан

чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштирила-диган ер майдонларини электрон савдоға чиқариш учун аниқласин.

Бош прокуратура электрон савдоға ҳақиқатдан ҳам фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ ҳўжалиғи ерлари қўйилаётганлиғи устидан назорат ўрнатсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи, Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи ва Давлат активларини бошқариш агентлиғи 2024 йил якуниға қадар мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган экспериментни янада такомиллаштириш ва уни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг алоҳида туманларидан таътиб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасиға таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида қишлоқ ҳўжалиғи фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини қишлоқ ҳўжалиғи фаолиятини юритиш учун инвесторларға “E-AUKSION” электрон савдо платформасида очик электрон танлов асосида ижараға бериш тартибини тасдиқласин.

6. Қуйдагилар:

2022-2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ ҳўжалиғи соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашға доир чора-тадбирлар дастури 1-иловаға мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини 2022-2024 йилларда қайта фойдаланишға киритиш кўрсаткичлари 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев, Ж.А.Қўчқоров икки ҳафта муддатда: 2022-2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ ҳўжалиғи соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашға доир чора-тадбирлар дастурини амалға ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ ҳўжалиғи ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалға ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қишлоқ ҳўжалиғида қайта фойдаланишға киритиладиган ер майдонларига 2022-2024 йилларда қишлоқ ҳўжалиғи экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида қайта фойдаланишға киритиладиган ер майдонларида 2022-2024 йилларда асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ва реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида чорвачилик, паррандачилик (туячилик, илчиқчилик, куркачилик, беданачилик, туякушчилик) йўналишлари

бўйича 2022-2024 йилларда амалға ошириладиган лойиҳалар кўрсаткичларини тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, сув танқис бўлган маҳаллалар (овуллар)да Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасиға ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда суғориш тик қудуқлари қазилади ёки мавжуд каналлардан сув чиқариш учун насос агрегатлари ўрнатилади.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашиға аҳоли томорқаларидан, ижараға берилган ерлардан самарали фойдаланиш, ҳудуд иқлими ва ерларнинг ҳосилдорлиғидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ҳўжалиғи ўсимликларини тўғри танлаш, парваришлаш ҳамда маҳсулот етиштириш учун ҳар бир туманға бир нафардан агроном бириктириш ҳамда уларнинг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлиғи, туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўзлаштириладиган янги ер участкаларини ижараға бериш учун уларнинг қисқа муддатларда очик электрон танловға чиқарилишини таъминласин.

9. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти қайта фойдаланишға киритилган ва ўзлаштирилган ерларда ҳамда бошқа экин ерларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари қурилишини таъминласин.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШNING ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-, 3-бетларда

10. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида яшовчи ва тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчи жисмоний шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида қуёш фотоэлектрик станцияси, қуёш сув иситиш тизимлари ва шамол электр станцияларини қуришда бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорда, бироқ 3 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилади.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари бўйича белгиланган квоталар доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари йўналишларидаги олий таълим муассасаларига махсус қўшимча қабул квоталари ажратилишини таъминласин.

Бунда, махсус квота бўйича ўқишга қабул қилинган ёшларнинг олий маълумотга эга бўлганидан сўнг, йўлланма берилган корхона, ташкилот

ва бошқа муассасаларда камида 5 йил давомида меҳнат қилиш мажбурияти назарда тутилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан: шимолий туманларда доимий яшовчи етим, боқувчисини йўқотган ёки ногиронлиги бўлган ҳамда профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 100 фоизига, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб бериш; шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олишлари учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари ажратилишида ушбу жамғарманинг кафиллигини бериш;

IELTS имтиҳон тизимидан 6 ва ундан юқори кўрсаткични, TOEFL имтиҳон тизимидан 60 ва ундан юқори кўрсаткични қайд этган

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг ушбу имтиҳонларни топшириш харажатларини АТ “Халқ банки”нинг туман филиаллари орқали тўлиқ қоплаб бериш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларнинг замонавий касб, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курсларида ўқишлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача ҳамда халқаро

босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

шимолий туманларда доимий яшовчи ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, “IT” ва фанлар бўйича ўқитишга ихтисослашган ўқув марказлари жойлашган биноларнинг уч ой муддатгача бўлган нотураж жой ижара харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шимолий туманлардаги “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ва шимолий туманларда доимий яшовчи ёшлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриши учун уларнинг нодавлат

таълим муассасаларида таълим олиш харажатларини қоплаш чораларини кўрсин.

14. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 май

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭРКИНЛАШАЁТГАН ҒАЛЛА БОЗОРИ

мўл ҳосил, барқарорлик ва фаровонлик кафолати

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда яқин вақтгача амал қилган бу тизим қўллаб-қувватлашнинг зиёни кўришига, ҳатто, ғалла етиштиришдан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Ички бозорни арзон ун ва нон билан таъминлаш мақсадида бугдой харид нархларини давлат томонидан бозор тамойилларига риоя этмасдан белгилаш фермернинг чўнтагига зиён қилаётган эди.

Шу боис, қанчалик мураккаб бўлмасин, юртимиз қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб борилмоқда. Давлатимиз

раҳбари ташаббуси билан бу борадаги ислохотлар бир неча йил олдин бошланган эди ва ниҳоят, ғалла бозорини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадам ҳам ташланди. Жорий йил 28 май куни Президентимизнинг “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан шу йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилмоқда.

Бозор нархи қандай?

Қарор билан давлат ресурслари учун сотиб олинadиган 1 тонна бугдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилди. Бундан ташқари, июль-август ойларида шаклланган биржадаги бугдой нархларидан келиб чиқиб, ушбу бугдой учун сентябрь ойида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Мисол учун, июль-август ойларида бугдойнинг ўртача биржа нархи тоннасига 3,7 миллион сўм бўладиган бўлса, бугдой етиштирувчиларга яна тоннасига 700 минг сўмдан тўлаб берилади.

Бу қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам. Энди, деҳқон, фермер, кластерлар ўзи етиштирган маҳсулотни бозор нархида сотиб, меҳнатига яраша даромад кўради.

Аммо масаланинг бошқа — кўпчилик аҳолини ўйлантираётган томони ҳам бор. Яъни бугдой нархларининг биржа орқали эркин сотилиши ва давлат сотиб оладиган нархнинг

оширилиши ун ва нон маҳсулотлари нархига қандай таъсир кўрсатади? Ички бозордаги нархлар барқарорлиги, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қоплаш масаласи қандай ҳал этилади? Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотлари корхоналарида трансформация жараёнининг натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида мутасаддилар шу каби саволларга жавоб берди.

бўйича барча зарурий чоралар қўриляпти. Агар ун нархи ошган тақдирда ҳам ушбу ўсим ички омиллар ҳисобига эмас, фақат ташқи бозордаги ўзгаришларга боғлиқ равишда содир бўлиши мумкин.

Юқоридаги қарорнинг қабул қилинишидан қўзланган асосий мақсад бугдой ва ун маҳсулотларини ҳақиқий бозор баҳосида сотишдан иборат. Уларни биржа савдоларига чиқаришдан ваҳимага тушишга асос йўқ. Бизда бу маҳсулотларнинг етарли миқдорда захиралари мавжуд. Ҳозир ички бозорда бир ойда ўртача 130 минг тонна атрофида ун чиқарилаётган бўлса, унга қўшимча 50 минг тоннадан ортиқ захира яратилган. Зарур ҳолларда бозордаги талабни қондириш учун ушбу ун савдога чиқарилади.

Ғалла бозорини эркинлаштириш — бу бозордаги нархларни тан олишимиз дегани. Бу ғалла олди-сотдисидда коррупциянинг олдини олишда ҳам энг самарали йўлдири. Яъни фермер етиштирган ғалласини эркин бозор нархида, биржа орқали сотса, бунга ҳеч ким аралаша олмайди, восита-чиларга эҳтиёж йўқолади. Ана шу тизимни очик-ошқор, шаффоф олиб бориш мақсадида Республика ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, бозордаги нарх-навоми назорат қилиб боради. Шунингдек, барча ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ички бозорда, хусусан, шаҳар ва туманларнинг ҳар бир савдо дуконида ун ва нон маҳсулотларининг доимий мавжуд бўлишини таъминлаш бўйича мониторинг ўрнатилган.

Шухрат МИРЗАЕВ,
қишлоқ хўжалиги вазири
ўринбосари:

— Ҳар биримиз ўзимизга савол бериб қўйшимиз лозим. Нима учун ўтган вақт давомида фермерлар ерга инвестиция қиритмаган, нима учун улар доим ё банкдан, ё давлатдан қарз бўлган, нима учун ернинг унумдорлигини оширишга, шўрланшини камайтиришга ҳаракат қилмаган? Бунинг асосий сабаби, уларда моддий манфаатдорлик йўқ эди. Ғалла бозорини эркинлаштириш фермерлар учун янги имкониятлар ашигини очади. Қарор бўйича сўғориладиган ернинг ҳар бир гектаридан 2,5 тоннадан бугдойни биржа орқали сотувга чиқаради, қолганини фермер, кластерлар эркин бозор нархларида сотади. Юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 44 фоизи қишлоқ хўжалигида фаолият олиб боришини инобатга олсак, фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги ошиши мазкур тармоқда меҳнат қилаётган



аҳолининг фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа кўпгина вилоятларда ғалла ўрими бошланди. Жорий йил мамлакатимизда 1 миллион 32 минг гектар майдондан 7,5 миллион тоннадан ортиқ бугдой ҳосили олиш кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йил-

Дон корхоналари истиқболи қандай?

Ғаллачиликда жорий этилаётган янги тизим бевосита ун ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатади. Ун ишлаб чиқарувчи барча корхоналар бугдойни биржада сотиб олади ва ишлаб чиқарилган ун маҳсулотини биржада

Фахриддин МУСАЕВ,
“Ўздонмаҳсулот” АК бошқарув
раисининг ўринбосари:

— Бугунги кунда компаниямиз таркибида 43 та дон корхонаси фаолият юритиб келмоқда. Соҳада хусусий секторга кенг йўл очилгани, эркин бозор тамойилларининг жорий этилаётгани корхоналаримизни тубдан ислох қилиш, бозор шароитида хусусий сектор билан тенг рақобат қила оладиган даражага олиб чиқишимиз зарурлигини кўрсатади. Бу борада аниқ вазифаларни белгилаб, “Йўл харитаси” ишлаб чиққанмиз. Бунда асосий эътибор маҳсулот таннархини қисқартириш, хомашёдан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга қаратилади.

Бугдой нархи биржа савдоларида шакллангани каби ун маҳсулотлари нархи ҳам бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Бу эса дон корхоналаридан сифат ва нарх бўйича рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Бу ун ҳажмлари билан ҳам боғлиқ. Корхоналаримизда ун ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирмаслик

сотади. Истеъмолчи эса сифатли ва арзон маҳсулотга харидор бўлади. Бу рақобат муҳитини шакллантириб, эскича ишлаб келаётган дон корхоналарини замонавий тизимга мослаштириш, янгилашга ўтишга мажбур этади.



чоралари қўриляпти. Ҳозирги кунда “Ўздонмаҳсулот” АК таркибида фаолият юритаётган дон корхоналарида йиллик сақлаш қуввати 4 миллион тонна ғалла сиғимлари, ишлаб чиқариш қуввати 2 миллион 233 минг тонна бўлган 53 та ун тегирмони, йиллик қуввати 1 миллион 415 минг тонна бўлган 48 та омухта ем ишлаб чиқариш ҳамда қуввати 9 минг 400 тонналик уруғлик дон тайёрлаш цехлари мавжуд.

Ҳозирда мавжуд дон корхоналари замонавий иш тизимига ўтказилляпти. Уларнинг барчаси оптик толали алоқа линиялари ва замонавий компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланиб, ягона марказлашган ҳисоботларни юритиш тизими жорий этилди.

Ички бозорни ун, нон ва нон маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бевосита топшириқлари билан 2022 йил ҳосилидан бошлаб дон корхоналарига қўшимча маблағлар ажратилляпти. Хусусан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан “Ўздонмаҳсулот” компанияси тизими корхоналарининг биржа савдоларидан дон харид қилиш харажатларини қоплашга 800 миллиард сўмгача кредит ресурсларини тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида жойлаштириш топширилган. Бу ишлаб чиқарувчилар учун катта имконият бўлиш билан бирга, бозорлардаги нарх барқарорлигини таъминлашга замин яратади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



КЕЛАЖАК ТАЯНЧИН АРДОҚЛАГАН ЮРТ тараққиёт ва фаровонликка тезроқ эришади

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари

Марат СОДИҚОВ,
Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори

Халқимиз азалдан болажон. Фарзандларининг соғлом, касб-хунарли бўлиб вояга етиши учун ғамхўрлиги қадриятга айланган. Бу йўлдаги ислохотлар самарасини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бор ёки оғир сурункали касалликка чалинган болаларга зарур тиббий ҳамда руҳий ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг қўлам касб этаётди.

Эсингизда бўлса, Президентимиз 2020 йили 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда сўз юритиб, жумладан, шундай деган эди: "...Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанадиган муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътибор муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш — нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

...Умуман, бундай эгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирсак, уйлaimани, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида қўпайтириб борилади. Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳамюртларимиз ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўишишга ишончим комил".

Мурожаатномада айтилган барча гаплар, ташаббуслар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Президентимизнинг ўтган йили 4 октябрдаги "Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни соғлом ҳаётга қайтариш ва уларнинг бекаму кўст улгайиши учун муҳим дастуруламал бўляпти.

Мазкур қарорга биноан, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиб, давлат томонидан 100 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ айти пайтда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етимлар, оғир касалликка чалинган ва ногиронлиги бор болаларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонни бўлган болаларнинг таълим олишига кўмаклашиш, оғир хасталикка чалинган ўғил-қизларни маҳаллий ва хорижий клиникаларда даволатиш, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш каби хайрия тadbирларига йўналтирилмоқда.

Шу ўринда Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг вазифаси нималардан иборат деган савол пайдо бўлиши табиий. Аввало, фонд оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва уларга манзилли ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш тadbирларини ташкил этиш ва молиялаштиради. Шунингдек, болалар ҳаётига ҳавф солувчи оғир, сурункали ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва уларни юртимизда ёки зарур ҳолларда хорижий давлатларда даволатиш учун тиббий, ижтимоий ва молиявий ёрдам кўрсатади. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болаларни беғул дори воситалари, тиббий ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминлайди.

Шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонни бўлган болаларнинг таълим олишига кўмаклашиш, жумладан, уларни махсус адабиётлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш, қизиқишдан келиб чиқиб уларга касб-хунар ўргатиш, уй шaroитида ўзини ўзи банд қилиши учун уларни зарур ускуналар билан таъминлаш ҳам фонд вазифаларини сирасига киради.

Оғир ташхисли касалликларга чалинган болаларни параварш қилаётган кам таъминланган оилаларни ҳоимликка олиш, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларга юқори технологик ихтисослашган реабилитацион ёрдам кўрсатишга доир тadbирларни ташкил этиш ва молиялаштириш борасида ҳам фонд олдида қўйилган вазифалар мавжуд.

Айни пайтда Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг Васийлик кенгаши ва экспертлар

гуруҳи шакллантирилган бўлиб, улар ажратилган маблағнинг тўғри ва максимал сарфланишини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Жамоат фондига келиб тушаётган мурожаатлар, хусусан, касалликка чалинган бемор болаларни даволаш, уларни зарур дори воситалари ва ортопедик жиҳозлар билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ҳамда уни молиялаштириш масалалари Васийлик кенгашининг доимий эътибор марказида.



Жамоат фонди кўмагидан фойдаланувчилар, жумладан, уларнинг шахси очикланмаган ҳолда ёши, жинси, ижтимоий ҳолати ҳамда молиялаштириш манбаи, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ва уларнинг ихроси тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботини юритиш бўйича расмий веб-сайти (bolalafond.uz) фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, фонд интернетдаги ўз ижтимоий саҳифаларида ҳам аҳоли учун зарур маълумотларни жойлаштириб бормоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан манфаатдор назорат ва идоралар билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик фикрини ҳамда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, "Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. "Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги муваққат низоми тасдиқланди. Жамғарманинг ижтимоий, тиббий ва таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Шунга асосан мурожаатлар қабул қилиниб, ўрганилмоқда.

Фонд ташкил этилган, фаолиятини ҳамкор ва манфаатдор ташкилот ҳамда бирлашмалар билан келишув меморандумларини имзолашдан бошлади. Жумладан, ЎҚурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Лаб ва танглай ёриқларини даволаш жамияти, Болалар миллий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия институтини тиббиёт клиникаси билан фонд ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Туркиянинг Халқаро ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги (ТИКА), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF) билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ҳар бир мурожаатни ўрганиб самарали ҳал этиш, шунингдек, аҳоли орасида юриб, сайёр қабуллар ўтказишга ҳам фонд алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, "Болаларга табассум"

ижтимоий акцияси доирасида ўтказилган илк сайёр қабул Бухоро вилоятининг Ѓиждувон туманидан бошланди. Худуддаги оғир хасталикка чалинган 200 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажа харажати тўлиқ қоплаб берилди. Бундай учрашувлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент, Бухоро вилоятларида ҳам ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасида лаб ва танглай ёриқлари нуқсонни бўлган юздан ортиқ бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, 30 нафарининг жарроҳлик амалиёти текин ўтказиб берилди. Бу акцияга юртимизнинг етакчи клиника ва шифохоналаридан тажрибали мутахассислар жамоаси жалб этилгани халқимизнинг олижаноблигини яна бир қарра намоён этди.

Беларусь Республикаси Болалар хирургияси маркази директори К.Драздовскийнинг Болалар миллий марказига ташрифи мобайнида юрак нуқсонли бор болаларда юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун 30 дона окклюдер (жарроҳлик кесисиз очиқ артериал канални ёпиш учун мослама) сотиб олиниб, марказга топширилди. Ҳозир кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган 30 нафар болада окклюдер мосламаси орқали юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилмоқда.

Малакали мутахассисларсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу маънода, фонднинг ўқув дастурларига асосан, қирққа яқин мутахассис қайта ўқитилганини таъкидлаш жоиз. Бу борада шу йилнинг 4-8 апрель кунлари Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан бирга "Қамалак жилоси" болалар психологияси ва психотерапияси масалалари бўйича бешинчи фестиваль ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу фестивалга маҳаллий мутахассисларнинг ногиронлиқни қамайтириш бўйича тажрибасини ошириш, маҳорат дарси ўтиш учун чет элдан малакали психотерапевтлар, перинатал психология, болалар ва оилавий психология ҳамда психотерапия соҳасида муваффақиятли амалиёт олиб бораётган психологлар, оилавий саломатлик бўйича шифокорлар таклиф қилинди.

Жорий йил 16-21 май кунлари Бухоро вилоятида Тошкент педиатрия тиббиёт институтини клиникасининг юқори малакали мутахассислари иштирокида "Эзгулик манзили" хайрия тиббий акцияси ўтказилди. Унинг доирасида 250 нафарга яқин бемор бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, 50 нафаридан жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Худди шундай яна 300 нафар болани операция ҳамда реабилитация қилиш режалаштирилган.

Мурожаат қилган эҳтиёжманд оилаларнинг болаларига дори-дармон, эшитув аппарати, маҳаллий клиникаларда даволанишни учун манзилли ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, агарчи ойдада Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги 50 та оилага озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бир неча турдаги маҳсулотлар тўплами хайрия ёрдами сифатида топширилди. Кучли сел оқибатида жабр кўрган Форих ахлига турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган материаллардан иборат инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Ҳозир оғир саратонга учраган бемор болаларни Туркиянинг нуфузли клиникаларидан бўлган Аджибадем клиникасида даволатиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. Жамоат фонди ҳамда мазкур клиника ўртасида халқаро саломатлик хизматлари кўрсатиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Шунга мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнига қадар бемор болалар илик кўчириш амалиётини ўтказиш учун Туркияга жўнаб кетади. Уларнинг муолажаси учун зарур борча сарф-харажат жамоат фонди томонидан қопланади.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилаётганига қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун, Тошкент шаҳрида яшовчи Г.Икромова (мурожаатчилар исм-фамилияси ўзгартрилган) 2008 йили туғилган фарзанди умуртқа мушак атрофияси (СМА) ташхиси билан руҳиятда туришини ва бунини даволаш учун "Рисидиплам" дори воситаси зарурлигини маълум қилган. Биз оиланинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам уларнинг моддий имконияти бу дорини сотиб олишга етмайди. Чунки ушбу препарат қарийб 160 миллион сўм туради. Оддий сипла учун бу чакана пул эмас. Фонд мурожаатчининг илтимосини ижобий ҳал этди.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида истиқомат қилувчи А.Жўрақулов оқулузион симметрик тетраветрикуляр гидроцефалия ташхиси қўйилган. 2020 йили туғилган фарзандини шошилич даволашда ёрдам сўраб фонда мурожаат қилди. Ҳақиқатан боланинг аҳоли оғир, ҳатто мустақил ўриқдан тура олмасди. Дарҳол Республика болалар миллий тиббиёт марказида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Харажатлар тўлиқ фонд томонидан қопланди. Орадан қарийб 2 ой ўтди. Боланинг саломатлиги яхши, юра бошлаган. Ўз вақтида кўрсатилган шошилич ёрдам бесамар кетмади.

Тошкент шаҳрида яшовчи С.Ж. мурожаат қилиб, иммунитет танқислиги ҳолати (ИДС) ташхиси билан даволанаётган фарзандига "Октагам" дори воситасини харид қилишга ёрдам сўраган. Бу дори ҳам анча қиммат туради. Оиланинг ижтимоий аҳоли ўрганилди ва бу дори хайрия сифатида мурожаатчига топширилди.

Шу кунларда Андижондан 2 нафар, Тошкент шаҳри ва Самарқанддан 1 нафардан, Намангандан 1 нафар боланинг Туркия давлатида илик кўчириш амалиётини ўтказиш учун барча харажат қоплаб берилди. Ишончимиз комилки, болажонлар тез кунларда оёққа туриб, юртимизга қайтади. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Албатта, гап уларнинг сонидан эмас. Энг муҳими, бу йўлда Президентимизнинг эътибори, қўллаб-қувватлави муҳим аҳамият касб этмоқда. Эртамин келажаги бўлган болалар юзидан, ота-оналар қалбиданги хурсандчилигини илғаб кўнглингиз тоғдек юксалади. Зотан, оилалари фаровон, фарзандлари соғлом юрт шубҳасиз тараққиёт таяничи бўла олади.



ТАНЛОВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚЎЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД ЭТАМИЗ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида шу шиор остида ўтказилган республика эсселар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Бошланиши 1-бетда

Танлов тўрт босқичда — факультет, олий таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ташкил этилди. Жорий йил 28 апрелдан 19 майгача ўтказилган уч босқичда юртимиздаги 120 га яқин олий таълим муассасасининг 240 мингдан зиёд талабаси қатнашди.

— Бугунги кунда юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олий таълим тизимида ҳам тўб ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов. — Натижада янги Ўзбекистон ёшларини замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар этиб тарбиялаш тизими такомиллаштирилиб, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш ва модернизация қилиш борасида изчил чора-тадбирлар бажарилмоқда. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланган талаба-ёшлар турли инновацион лойиҳаларни амалга ошириб, фанлар бўйича республика ва халқаро танловларда ўз билимини намоён этмоқда. Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли оқимлар, бузғунчи ғоя ва мафқураларга қарши тура оладиган интеллектуал етук шахс даражасида тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғоясини ўртага ташлагани, уни миллилатимиз ва давлатимиз учун ҳаёт-мамат масаласи даражасига қўтараяётгани ҳам аслида мана шундай улғур максadларни қамраб олган, дe-сак янглишмаган бўламиз.

"Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!" шиори остида ўтказилган эсселар танловининг республика босқичи 24-27 май кунлари Тошкентда ўтказилди. Якуний босқич доирасида ташкил этилган қатор тadbирлар ҳам талаба-ёшлар ва уларнинг устозлари учун ғоят мазмунли бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов билан "Тараққиёт стратегияси — келажақ

учун мустақкам замин" мавзусида бўлиб ўтган учрашув кизгин фикрлар, савол-жавоб, мулоҳаза ва мушоҳадаларга бой бўлиб, ёшларда катта таассурот қолдирди. Учрашув доирасида талабаларга миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақида тушунчалар берилиб, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун яратилаётган шарт-шaroит ва имкониятлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, маънавият ва маърифат масканлари, етакчи олий таълим муассасалари, давлат бошқаруви органларида ҳам бўлиб, арбоблар, олимлар билан учрашди.

26 май куни эсселар танловининг республика босқичи иштирокчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида "Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!" мавзусида эссе ёзди.

Ижодий ишларни баҳолашда мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилгани, тарих, бугун ва истиқболни ёритиб бера олгани, илмий, бадиий савияси, грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри ёзилгани, амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ўз муносабати, ҳушосавий фикрлар, муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича тақлифлар мавжудлиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди.

Эсселар танловининг республика босқичи иштирокчиларининг барчасига Президент совғаси сифатида ноутбуклар топширилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, иштирокчилар орасидан биринчи, иккинчи, учинчи ўрин ғолиблари ҳамда бир қатор номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. Танловда биринчи ўринга сазовор бўлган талаба 30 миллион, иккинчи ўринга муносиб деб топилган иштирокчи 20 миллион, учинчи ўрин соҳиби 10 миллион сўм пул ва диплом билан тақдирланди.

Номинациялар ғолибларига ҳам диплом ва қимматбаҳо эсdalик совғалари топширилди.

Ўз навбатида, барча иштирокчилар янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатидан мамнун экани, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаб, Ватанимиз ривожига ўз ҳиссасини қўишга тайёрлигини билдирди.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ТАНЛОВ ТЎРТ БОСҚИЧДА — ФАКУЛЬТЕТ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЖОРИЙ ЙИЛ 28 АПРЕЛДАН 19 МАЙГАЧА ЎТКАЗИЛГАН УЧ БОСҚИЧДА ЮРТИМИЗДАГИ 120 ГА ЯҚИН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ 240 МИНГДАН ЗИЁД ТАЛАБАСИ ҚАТНАШДИ.



